270594

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 21 май, шанба № 90 (21.694). СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ОЛИС ВА АФСОНАВИЙ ДИЁРДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг Япония мамлакатига расмий-амалий ташрифи якунларига доир

Япония дунёнинг манаман деган етти буюк давлатлари қаторига киради. Лекин, унинг табиий иқлим шароити ва жуғрофий жойлашуви Америкаю Канадага ҳам, Англияю Францияга ҳам, Германияю Италияга ҳам ўхшамайди. Тилга олинган давлатларнинг бирови кўп асрлик салтанати билан кучли бўлса, яна бошқаси бой табиий ресурслари туфайли иқтисодий юксаклик даражасига эришгандир. Япония эса тараққиётнинг ҳозирги поғонасига ўз йўли билан кўтарилган бўлиб, бу айнан Ўзбекистонни қизиқтириб қолгани тасодифий эмас.

Ҳа, биз Япония билан бир қитъадамиз. Лекин бу олис ва афсонавий диёр ҳақида тасаввурларим асосан китоблар ва журналлар орқали эди. Энди эса Японияни билиш учун уни бориб кўриш, бугунги томир уришини ҳис қилиш керак экан, деган хулосага келдим. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мазкур тарихий ташриф олдидан Японияниинг Республикамиздаги элчиси Укэру Магосакини қабул қилганида Япония аллақачон келажакка — XXI асрга тамал тоши қўя бошлаган илғор давлат, деб таърифлаганида минг бор ҳақ эди.

Келинг, муҳтарам газетхон, Япония ҳақида айрим эътиборли маълумотлар билан сизни ошно этай, токи бу сирли диёрнинг маълум жиҳатлари ҳаммамиз учун равшанлашса.

Ҳужжатларни имзолаш пайти.



Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Япония Императори Акихито билан учрашуви.

ЯПОНИЯ ҳаммаси бўлиб 4000 га яқин орол ва оролчалардан ташкил топган яхлит мамлакатдир. Хоккайдо, Хонсю, Сикоку ва Кюсю деган 4 та макондан ташқари қолган қуруқлик қисми ушоқ ороллардан иборат. Уларнинг умумий майдони 378 минг квадрат километр. Албатта, бу — баҳри уммон узра сочилган ерларнинг сатҳи, оролчалар эса кўплаб масофага узалиб кетган. Агар Ер курраси бўйлаб кенг қамровда қарасак, Японияниинг энг шимолий чеккаси Краснодар ёки Севастополь билан бир хил кенгликда жойлашганлиги маълум бўлади. Жанубий нуқтаси эса Қарочи ва Абу-Даби шаҳарлари жойлашган кенгликка тўғри келади. Мамлакат пойтахти — Токио Туркманистоннинг жанубий марралари билан бир нуқтададир. Бу диёрни тоғлар ва вулқонлар ўлкаси, дейиш мумкин. Умумий майдонининг 75 фоизи тоғлардан иборат. Япон альплари тизмасининг энг юксак чўққиси денгиз сатҳидан 3000 метр баландликда. Иқлими хилма-хил. Шимолий ҳудудларида совуқ 40 даражага тушадиган жойлар бор. Жанубий оролларда эса ёзги ҳарорат 30 даражагача чиқади. Аҳоли сони жиҳатидан дунёда еттинчи ўринда туради. Бир квадрат километрга ўртача 327 киши тўғри келади. Чунки ҳудудининг кўп қисми тоғлиқ бўлиб, ундан фойдаланиш қийин. Энг катта шаҳарлари океанга туташиб кетган.

Дунёнинг ҳамма томонлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидан бораётган Президентимиз Ислом Каримов Японияниинг янги Бош вазири Цутому Хатанинг расмий таклифига кўра бу диёрга боражаги эълон қилинганида Ўзбекистон фуқароларининг кўнгиллари янада чароғон бўлди. Демак, яна бир минтақа бизга яқин бўлади, иқтисодий ислоҳотнинг чуқурлашуви учун муҳим омил ишга солинади.

Ана шундай хаёллар билан биз тушган самолёт Токио шаҳрининг «Ханэда» аэропортига оҳиста қўнганини ҳам сезмай қолибмиз. Анъанавий, расмий, лекин қалбларни тўлқинлантирувчи кутиб олиш маросими. Океан тарафдан эсган шабада ёнма-ён ўрнатилган Ўзбекистон ва Япония Давлат байроқларини оҳиста ҳилпиратади.

Кўз олдимизда буюк мамлакатнинг буюк пойтахти — Токио бутун салобати билан намоён бўлиб турарди. Беихтиёр хаёлимга «Токио вақти билан соат олтию ўттиз» деган китоб ёдимга тушди «Нью-Отани» меҳмонхонасига кириб бораётганимизда соатга қарайман: олти ярим. Йўқ, бу сафар Токио вақти билан эмас, Тошкент вақти билан шу дақиқаларни кўрсатарди. Орадаги фарқ эса тўрт соат. Демак, кун кеч бўлиб қолган. Бошқа ҳолатда бўлганда бемалол дам олиш, қарийб ўн соатлик парвоздан сўнг нафас ростлаш мумкин эди. Лекин Президентимиз фурсатни бой бермаслик пайнидан бўлиб, қизғин ишга киришиб кетдилар. Юртбошимиз Япон-Ўзбек иқтисодий алоқалари қўмитаси раиси, «Мицуи» фирмаси раиси жаноб Кумагаини қабул қилди. Сафарнинг эртанги куни дастурида кўзда тутилган икки мулоқот — Япония савдо ва саноат вазири жаноб Эйжара Хата ҳамда молия вазири Хирохита Фуджи билан учрашувлар шу куниёқ ўтказилди.

Мен буни бежиз таъкидлаганим йўқ. Президентимиз Ўзбекистон иқтисодиётининг яхшиланиши учун қанчалик жон қуйдираётганини шу мисолдан билса бўлади. Япония бугунги тараққиётга 40 йилда эришибди. Биз ана шу муддатни мумкин қадар қисқартиришимиз керак. Бунинг учун ҳар бир кун, ҳар бир соат ғанимат.

Хўш, Япон мўъжизасининг сири нимада? Бу савол биз билан сафарга борган ҳар бир ўзбекистонликнинг дилида турарди. Буни аввало ўз Ватани, киндик қони тўкилган табаррук замини билан чексиз фахрланадиган япон халқининг табиатидан, атрофга муносабатидан ибрат олмоқ керак. Токионинг чароғон кўчаларига, осмонўпар биноларига қараб ҳайратимиз ошади. Ажиб бир ҳолат: аҳоли кўп, ҳаммаёқ озода, ойнадай ярақлайди. Бу — ўша одамларнинг юксак маданиятли эканлигидан. Ҳар ким ўз ишини, бурчини сидқидилдан бажаради. Тартиб-интизом японларнинг мураккаб электрон соатларидай аниқ йўлга қўйилган. Одамлар бир-бирларига шу даражада хушмуомала, хушахлоқки, бунга фақат ҳавас қилиш мумкин. Агар улар шундай аҳил, ҳамфикр, хайрихоҳ бўлмаганларида бугунги буюк давлат қурилармиди?!. У ёғини суриштирсангиз, бу юртда деҳқончилик қилишга атиги 11 фоиз яроқли ер бор. Хом ашё ҳам асосан четдан келтирилади, табиий ресурслар чекланган. Лекин ер юзидаги энг сўнгги янгилик, охирги ютуқ Японияда жуда тез қўлланилади. Лўнда қилиб айтганда, бу диёрда технология юксак даражада жорий этилган. Шундай экан, Японияга нима керак? Ўзбекистонга ўхшаган хом ашёга мўл ҳамкор керак. Бизга эса Япония каби мукаммал технологияларни рўёбга чиқарувчи шерик керак. Бу уйғунликдан иккала томон ҳам бирдай манфаатдордир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Кариморнинг Японияга ушбу ташрифи ана шу жиҳатлари билан муҳим аҳамиятга моликдир.

Ташрифнинг иккинчи куни воқеаларга бой бўлди. Ҳатто Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши билан алоқаларни ривожлантириш бўйича махсус қўмита тузишга аҳд қилган Япон парламенти ташаббускор гуруҳи аъзоларининг учрашуви ногаҳонда билан қўшиб ўтказилди. Яъни, ана шу фурсат ҳам бежиз кетмади. Президентимиз шундан сўнг Японияниинг «Кнодо Цусин» агентлигига интервью бердилар. Шу куни Император Саройи ўз тарихида илк бор мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президентини кутиб олди. Бу ерда Ислом Каримов рафиқаси билан Япония Императори Акихито ва унинг рафиқаси билан учрашдилар. Унутилмас дақиқалар давом этарди. Ҳар икки томон бир-бирларига энг эзгу тилакларни билдиришди. Олий мартабали меҳмон шарафига зиёфат берилди. Президент ўзига ажратилган қароргоҳда Япония экспорт-импорт банки директори жаноб Ямагути, чет эллар билан иқтисодий ҳамкорлик фонди президенти жаноб Нишчигаки, «Мицубиси» фирмаси президенти жаноб Морохаши, «Марубени» фирмаси президенти жаноб Харунани қабул қилди.

Шу куни расмий ташрифнинг тарихий лаҳзалари кечга яқин бўлди. Ислом Каримов Япония Бош вазири Цутому Хата билан учрашди. Улар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг асосий тамойиллари ҳақидаги қўшма баёнотни имзоладилар. Бу тарихий ҳужжатда томонлар иккала мамлакат ўртасида дўстона муносабатларни ўзаро ишонч ва тушуниш, тенглик ва суверенитетни ҳурмат қилиш тамойиллари асосида ривожлантиражакларини билдирдилар. Бу муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон ва Япония халқларининг муштарак манфаатларига жавоб бериб, балки Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши таъкидланди. Томонлар БМТнинг мавқеи ва нуфузини кучайтириш ҳамда БМТ Устави мақсадларини унда баён этилган тамойилларга монанд амалга оширишга аҳд қилганликларини изҳор этдилар. БМТ ва давлатлараро ташкилотларда халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ҳамда низоларни тинч-тотув ҳал этиш мақсадларида фаол маслаҳатлашиш ва ҳамкорлик қилиш келишиб олинди. Томонлар сиёсий мулоқотларни кенгайтириш икки ёқлама муносабатларни ривожлантиришнинг қулай ва самарали йўли эканлигига ишонч билдирдилар. Япония томони Ўзбекистон Республикаси амалга ошираётган ислоҳотлар ва халқнинг турмуш даражасини яхшилашга йўналтирилган сиёсатнинг боришига юксак баҳо берди ва бу ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ниятида эканлигини изҳор қилди. Ўзбекистон томони мазкур иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда Японияда иқтисодиётни бошқариш тажрибасини ўрганишдан манфаатдор эканлигини баён этди. Япония томони бозор тизимига ўтишда техникавий ёрдам миқёсларини кенгайтиражагини билдирди.

Томонлар фан ва технология, маданият, санъат, таълим, туризм каби соҳаларда алоқаларни ривожлантириш зарурати борлигига келишиб олдилар. Икки мамлакат ўртасида маданий алмашувни йўлга қўйиш, бунда анъанавий санъатни сақлаш ва Ўзбекистонда япон тилини ўрганиш бўйича мавжуд негизни мукаммаллаштириш юзасидан фикр билдирилди.

Президентимиз Ислом Каримов Япония Бош вазири Цутому Хатани Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюришга таклиф этди.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидқосимов ва Япония ташқи ишлар вазири Кодзи Какидзава икки мамлакат муносабатлари ҳақидаги ҳужжатларга имзо чекдилар.

18 май қароргоҳда Япония молия вазири маслаҳатчиси жаноб Чино ва чет эллар билан маданий алоқа қилиш фонди президенти жаноб Асао иштирокидаги учрашувдан бошланди. Шундан сўнг Токио шаҳридаги губернаторликка ташриф буюрилди. Мустақил матбуот маркази биносида Ислом Каримов япон ва хорижий журналистларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб берди. Матбуот конференциясида Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга интилаётгани таъкидланди.

Шу куни «Кейданрен» иқтисодий ташкилотлар федерацияси штаб-квартирасида ишбилармонлар билан учрашув бўлиб ўтди. Японияда тадбиркорлик соҳасида бой тажрибага эга мутахассислар кўплиги ҳаммага маълум, албатта. Бу мамлакатда фермер хўжалигини юритиш ҳақида икки оғиз сўз. Қишлоқ хўжалиги учун атиги 11 фоиз майдон мавжудлигини юқорида айтгандик. Яна бир рақам: Японияда фермер хўжаликлари ҳажми кичик бўлиб эгаллаган майдони ўртача 1,2 гектардан ошмайди. Чунки ернинг ўзи кам, фермерлар уни кўзга тўтиё қилиб ишлатишади. Ҳар бир қарич ердан кўпроқ ҳосил ундиришга ҳаракат қилишади, бунда ерни ўғитлашга ва юксак технологик асбоб-ускуналарни ишлатишга зўр берилади. Японияда истеъмол қилинадиган мева ва сабзавотнинг учдан икки қисмини фермерлар етиштиришади.

Ислом Каримов, одатдагидек ишбилармонлар билан учрашувларда бир зумда ҳамсуҳбатларини ўзига қаратиб олди. Ташриф кунлари «Япония иқтисодиёти» газетаси Ўзбекистон Республикасида 1500 та қўшма корхона мавжудлиги, унинг атиги 8 таси Японияга тегишли эканлигини ёзди. Суҳбат асносида ана шу рақам ҳақида сўз кетди. Ишчанлик ва ўзаро ҳазил-мутойиба йўғрилган суҳбатда Президентимиз японларнинг бу борада

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши X пленумининг қарори

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ, ЎЗБЕКИСТОН ХДП РАИСИ И. А. КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ XV СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Пленум таъкидлаганидек, республика Президенти, Ўзбекистон ХДП Раиси И. А. Каримовнинг Олий Кенгаш XV сессиясида сўзлаган нутқи катта сиёсий ва дастурий аҳамиятга эга. Унда баён қилинган қоида ва хулосалар ислоҳотлар сиёсати янги босқичининг моҳиятини, унинг асосий мазмунини белгилаб беради.

Қабул қилинган қарорда республика раҳбариятининг халқ манфаатларига мос, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, жамиятни жипслаштиришга, иқтисодиётни соғломлаштиришга, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини босқичма-босқич шакллантиришга қаратилган сиёсий йўли ва фаолияти маъқулланиб, қуйидагилар ислоҳотларнинг янги босқичида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг долзарб вазифалари, деб белгиланди:

— партиямиз аъзолари бўлган халқ депутатлари ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари билан биргаликда И. А. Каримовнинг Олий Кенгаш сессиясидаги нутқида баён этилган қоидаларни чуқур тушунтириш орқали фуқароларда мулкчиликнинг янги шаклларига тўғри муносабатни, бунёдкорлик меҳнатига, ислоҳотлар янги босқичини амалга оширишда фаол қатнашишга интилишни шакллантиришга эришиш;

— ижара, хусусий, жамоа мулкига асосланган ишлаб чиқариш—хўжалик тузилмаларининг оёққа туриб олиши ва тараққий этишига қўмаклашиш, тадбиркорларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, илғор тажрибаларини кенг оммалаштириш, иқтисодиётнинг нодавлат жабҳаларида партиямизнинг таъсирини мустаҳкамлаш, унинг қуйи бўғинларини ғоявий ишга эътибор бериш;

— партия ташкилотларининг кадрлар билан ишлашини ислоҳотлар янги босқичи талаблари даражасига кўтариш, ислоҳотлар сиёсий йўлига садоқатли, ташаббускор одамлар манфаатлари билан яшовчи, уларни олдинда турган вазифаларни ҳал қилишга сафарбар эта оладиган раҳбарларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлик қилиш, улар бош бўлган минтақалар ва жамоаларда соғлом маънавий-сиёсий муҳитни яратишга кўмаклашиш, шу билан бирга масъул лавозимларда ишлаётган ХДП аъзоларига нисбатан талабчанликни кучайтириш;

— маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларини қўллаб-қувватлаш, жамиятда барқарорлик ва тотувликни сақлаш, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишда маҳалла жамоатчилиги билан яқиндан ҳамкорликни кучайтириш, аҳоли истиқомат жойларида партиямиз таъсирини ошириш, хусусан, ҳудудий партия ташкилотлари шахобчаларини кенгайтириш;

— бўлажак сайловларга тайёргарликни тегишли қонунларни ўрганишни йўлга қўйишдан бошлаш, тарғиботчилар ва ташвиқотчилар билан ишлашни уюштириш.

Ҳар бир партия ташкилоти Ўзбекистон Олий Кенгаши XV сессияси ва ушбу пленум қарорларини рўёбга чиқариш юзасидан ўз режаларини белгилаб, уларни изчиллик билан амалга оширсин.

* * *

Пленум Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятни маънавий янгилаш, ҳуқуқий, демократик давлатни бунёд этиш умумхалқ ишига янада салмоқлироқ улуш қўшадилар, деб ишонч билдиради.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши X пленумининг қарори

Пленум қайд этганидек, мамлакатимиз ёш фуқаролари маданиятли, билимли ва маънавий бой, ўз Ватанининг ҳақиқий ватанпарварлари, мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажагига муносиб ва садоқатли бўлиб етишишлари ҳақида ғамхўрлик қилиш — Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятининг устивор йўналишидир.

Ўсиб келаётган авлоднинг жисмоний саломатлиги ва маънавий камолотини таъминлаш, тадбиркорлик ва ишчанлигини ривожлантириш, ижодий салоҳияти намоён бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича юртимизда катта ишлар олиб борилмоқда. Партиямиз Раиси, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида» Қонун қабул қилинди., «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди ва шу номли халқаро хайрия жамғармаси тузилди. «Улуғбек», «Истеъдод», Талабалар жамғармалари фаолият кўрсата бошладилар. Ёшларнинг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Партиямиз ташкилотлари давлат идоралари, кенг жамоатчилик, хусусан, Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари билан ҳамкорликда ёш авлодни республикада амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг тўлақонли қатнашчилари этиб шакллантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Партиямиз сафига кираётган ёшларнинг сони кўпайиб бормоқда.

Айни пайтда, ёш фуқароларнинг ҳаммаси ҳам Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини қуришдаги шахсий масъулиятни ҳис этаяпти, деб бўлмайди. Ёшлар орасида халқимизнинг энг яхши анъаналарига ҳурматсизлик, маданиятсизлик, маънавий қашшоқлик, умуминсоний қадриятларга беписанд-лик муносабати, ҳуқуққа қилоф ҳатти-ҳаракатлар, енгилгелпи йўллар билан бойлик орттиришга интилиш ҳоллари учраб турибди. Йигит-қизларимизга замонавий билим бериш, уларни етук мутахассислар этиб тайёрлаш, меҳнатсеварлик, тадбиркорлик, ватанпарварлик руҳида, иймон-эътиқодли этиб тарбиялашда жиддий нуқсонлар мавжуд.

Қарорда, жумладан, шундай дейилган:

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча ташкилотлари партиямиз Раиси, Президентимиз И. А. Каримовнинг республика Олий Кенгаши XV сессиясида сўзлаган нутқида баён этилган хулоса ва қоидалардан келиб чиқиб ХДПнинг ёшларга оид сиёсатини изчил амалга ошириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Партия кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотларига ёшларни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкураси асосида тарбиялашнинг аҳволи ва вазифаларини пленумлар ҳамда очиқ йиғилишларда муҳокама этиш, ёш тадбиркорлар, фермерлар ва мутахассисларнинг мужмоларига алоҳида эътибор бериш, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи бўлинмаларининг бу борадаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, истиқболли ёшларни масъул лавозимларга сайлаш ва тайинлашга тавсия бериш таклиф этилсин.

Муносиб йигит ва қизларимизни Ўзбекистон ХДП сафларига тортиш, талабалар ва ўқитувчилар бошланғич партия ташкилотларини ривожлантиришга оид ишларни кучайтириш, партиямизнинг ёшлар қанотини шакллантириш учун тегишли ташкилий тузилмаларни вужудга келтириш, Марказий Кенгашнинг ёшлар комиссиясини тузиш мақсадга мувофиқ, деб топилсин.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятлари махсус «Ёшлар саҳифаси»ни мунтазам чиқариб туришни йўлга қўйсинлар.

* * *

Пленум Ўзбекистоннинг истиқлоли истиқболларига монанд ёш авлодни шакллантиришдек умуммиллий вазифани ҳал этишда фаол иштирок этишни, ёшлар билан ишлашни давр талаблари даражасига кўтаришни бутун партиямизнинг масъулиятли бурчи, деб ҳисоблайди.

ОЛИС ВА АФСОНАВИЙ ДИЁРДА

«Мацусита» корхонаси билан танишув.

Токиодаги Мустақил матбуот марказида журналистлар билан учрашув.

(Давоми. Боши биринчи бетда).

фаол эмасликларини таъкидлаб ўтди. Маҳаллий ишбилармонларнинг жавоби бундай бўлди: биз бўлғуси ҳамкоримизни узоқ вақт синчиклаб ўрганамиз, тўла ишонч ҳосил қилгач, муносабатларни йўлга қўямиз. Маълум бўлишича, япон мутахассислари бир ярим йил мобайнида Ўзбекистондаги аҳволни кузатишаётган экан. Бу мамлакатдаги осойишта ҳаётнинг барқарорлиги келгуси алоқаларга кафолат бўлиши мамнуният билан тилга олинди. Албатта, ўз юртимиз ҳақида олис Японияда шу гапларни эшитиш биз учун ёқимли эди.

Куннинг иккинчи ярмида Киото шаҳрига йўл олдик. Нимада денг?! Учқур темир йўл поездида. Соатига 240 километр тезликда юрадиган бу шинам поезднинг тезкор ҳаракати, менимча, Япония тараққиётининг бугунги суръати ва маромини рамзий ифодалаб тургандай. Янги пойтахт (Токио сўзининг мазмуни шундай)дан эски пойтахт — Киотога етиб бориш учун 2 соату 36 минут кифоя қилди. Елдек учадиган бу поездларнинг етиб келишига қараб соатингизни тўғрилаб олишингиз мумкин. Японлар бу поездни Синкансэне, деб аташади. Мамлакатнинг муҳим иқтисодий маркази саналмиш Киото шаҳрида ҳунармандчиликда шойи тўқиш, чинни ва бронзадан бадиий буюмлар, диний маросим ашёлари тайёрлаш мактаби яратилган. Машинасозлик ва металлургия, тўқимачилик, тикувчилик, электротехника, озиқ-овқат, шиша, керамика саноати корхоналари бирибиридан бежирим маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Бу шаҳар айни пайтда халқаро туризмнинг ҳам марказидир. Шаҳарнинг равон кўчалари бўйлаб борарканмиз шириншакар гўдакларнинг рамзий расмларига кўзимиз тушади. Таржимоннинг изоҳ беришича, Японияда 5 май — болалар куни экан. Бу тасвирлар ўша байрамда қўйилган экан. Зеро, иззат-икром, одоб-ахлоқда ўзбекларга ўхшаб кетадиган японлар болажонлик бобида ҳам ибратомуз халқ. Фарзандини эъзозлаган, унинг келажаги ҳақида қайғурган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Шаҳарнинг «Миако» меҳмонхонасига жойлашганимиздан сўнг Президентимиз «Эн-Эйч-Кей» давлат телекомпанияси саволларига жавоб берди. Юртбошимизга берилган саволлардан хорижий мухбирларнинг Ўзбекистонга қизиқиши катта эканлиги сезилиб турди.

Япон журналистлари Ўзбекистонда динга муносабат қандайлигини бир неча бор сўрашди. Бунинг сабабини Киотодаги ибодатхоналарда бўлганимизда тушундим. Японияда синтоизм ва буддизм динлари кўплаб анъаналарнинг шаклланишига омил бўлиб келган. Синтоизм сарчашмаларида қадимий тарих ва афсоналар ётади. Ривоят қилишларича, руҳий кучлар табиатда, дарахтларда, тоғларда, денгиз ва шамолда яшаб келган. Одамлар бу кучларга сиғинишлари ва табиат билан уйғунликда яшашлари керак. Илгари одамлар табиатга тавоб этган бўлишса, кейинроқ эҳромларга бориб ибодат қилишган. Эрамиздан олдинги олтинчи асрда пайдо бўлган буддизм дини эса Японияга Хитой ва Кореядан ўтган. Биз «Хэйан» (Тинчлик ва хотиржамлик) ва «Киёмидзуцера» (Муқаддас сув) ибодатхоналарида бўлганимизда, бу икки дин японлар маънавиятини қандай бойитганлигига ишонч ҳосил қилдик. Ислом Каримов халқнинг азалий анъаналари эъзозланиб келаётганлигини ана шу ташриф давомида таъкидлади.

Расмий-амалий сафарнинг сўнгги куни Осака шаҳрида бўлди. Ҳаммамиз бенхтиёр Андижон вилоятидаги Асака шаҳрини эсладик. «Мацусита» корхонасидаги иш тарзи билан танишдик. Президентимиз Ўзбекистонда «Панасоник» маҳсулотлари аллақачон халқимиз ҳаётига сингиб кетганлигини, республикамизда ихтисослаштирилган «Панасоник» дўконлари борлигини айтганда, корхона вакилларининг юз-кўзларида жонланиш сезилди. Бир зумда ўртадаги «девор» йўқолди. Ислом Абдуғаниевич келгусида ҳеч қандай воситачиларсиз, тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш кўпроқ самара беришини таъкидлади. Айни пайтда ўзбекистонликлар бу корхонанинг энг сўнгги ютуқлар асосида чиқарган маҳсулотларини кутадилар, деб ишонч билдирди. Президент таклифига кўра, «Панасоник»нинг Ўзбекистонда филиали очиладиган бўлди.

Осакадаги «Танабэ» дори-дармон заводига қилинган ташриф сафарнинг сўнгги манзили бўлди. Ислом Каримов Японияда тиббиёт ҳам намунали йўлга қўйилганлигини, шу сабабли бу мамлакат аҳолининг узоқ умр кўриши борасида дунёда олдинги ўринда эканлигини таъкидлади. Япония ҳукуматининг Ўзбекистонга 5 миллион долларлик тиббий ёрдам кўрсатишга қарор қилганлиги ҳамкорлик йўлидаги муҳим қадам, деб баҳоланди.

— Биз Ўзбекистондек ҳамкор топганимиздан хурсандмиз,— дейди фирма директори жаноб Киносхита.

Тўрт кунлик сафар кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Унинг ҳар бир соати, ҳар бир дақиқаси учрашув ва таассуротларга бой бўлди. Япония биз учун кашф этилган бўлса, Япония учун Ўзбекистон ҳам янгидан кашф бўлди.

— Президентларингиз ниҳоятда донишманд одам экан,— дейди Япония ташқи ишлар вазирлиги матбуот котиби Кишикиро Амае.— Ҳар бир сўзида ҳамкорларга нисбатан ҳурмат шундоқ сезилиб турибди. Жаноб Каримовдай раҳбари бор халқнинг бахти баркамол.

Афсонавий ва сеҳрли диёр билан хайрлашар эканмиз ҳаммамизнинг руҳиятимиз янгилангандай бўлди. Албатта, мустақиллик йўлидан дадил бораётган Ўзбекистон Японияндан технология олиб келса, ҳамкорликда корхоналар қурса, маҳсулот айрибошласа айни муддао. Лекин, назаримда, Ўзбекистон бу мамлакат одамларидан касб-корга меҳрни, ҳар қандай вазиятда ҳам доно ечим топишни, хотиржам ва босиқ муносабатни ўзига юқтирса ишларимиз янада юришиб кетган бўлур эди.

Президент Ислом Каримов ҳар бир ташрифда энг эътиборли жиҳатларга, ибратомуз ҳолатларга алоҳида урғу бериб келдилар. Бу сайъ-ҳаракатлар юртбошимиз ўз халқи ҳаётини яхшилаш учун кечаю-кундуз жон куйдираётганлигига шаҳодатдир. Тўрт кунда бажарилган ишни мазмун-моҳиятига кўра, асрларга тенг дейиш мумкин. Бунга япон мутахассисларининг баҳосидан ҳам, Президентимизнинг самолётда биз, журналистлар билан қилган суҳбатида ҳам ишонч ҳосил қилдик. Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон пайти келиб Япония каби буюк давлатлар сирасидан жой олажак. Бунга шубҳа йўқ!

Азим СУЮН,
Тошкент — Токио — Киото — Осака — Тошкент.

Киото шаҳридаги қўҳна эҳром.



Осака шаҳридаги «Танабе» дори-дармон фирмаси ишбилармонлари билан учрашув пайти.

Суратлар муаллифи А. Илёсов (ЎзА).

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

КУН ТАРТИБИДА — ФАРМОН ИЖРОСИ

ЕКИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ИЖРОИЯ БЮРОСИ МАЖЛИСИДА КЎРИЛГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛА ХУСУСИДА

Биз етакчи партиямиз, йўл-йўриғимизни депутатлар, партия аъзолари бўлган ҳокимлар, хўжалик ва корхоналар раҳбарлари қилаверади, деб ҳаётга фаол аралашмай қўл қовуштириб ўтирилаверса, унда партия тизимига ҳожат қолмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят ташкилотлари «хўжалик ишлари»га қўл ура бошлади. Хўжалик иши иборасини қўштирноққа олдик. Аслида фаолиятни хўжалик, сиёсий, маънавий каби турларга ажратиш нисбийдир. Улар шундай чамбарчас боғлиқки, бири иккинчисидан келиб чиқади. Фуқаролар учун ижтимоий адолат, муносиб турмуш тарзини, маънавий янгиланишни таъминлаш бош мақсади бўлган партиямиз Ўзбекистон Конституцияси ва жорий қонунлар доирасида ўз мақсади сари интилаверади.

Шунинг учун ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ижроия бюросида «Ўзбекистон ХДП Баҳористон ва Нишон туман кенгашларининг партия ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири — қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасида амалга ошираётган ишлари тўғрисида»ги масала кўрилганда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари ва шу тармоқлар учун мутасадди бўлган ташкилотлар раҳбарлари ажабланишмади. Соҳа бўйича жавобгар шахслар бюро аъзоларининг талабчанлик билан қўйилган саволларига жавоб бериб, бу борадаги муаммоларни изоҳладилар, ўз таклифларини айтиб, партия ташкилотидан уларни қўллаб-қувватлашни илтимос қилдилар.

Дарҳақиқат, республика Президентининг қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги Фармони эълон қилинганидан сўнг ўтган даврда Баҳористон туманида 87,4 километр масофага турли босимдаги газ қувурлари тортилди. 1129 хонадон табиий газдан фойдалана бошлади. Нишон туманидаги «Чароғил», «Ширинобод», «Туркманистон» ҳамда Баҳористон туманининг 25-жамоа ширкат хўжаликлари ҳудудларидаги қишлоқларни 77—89 фоиз газлаштиришга эришилди.

Нишон туманида 6 ойгина ўтган йилнинг ўзида 7,84 километрга сув қувурлари тортилиб, 800 га яқин хонадон сув билан таъминланди. Бу туманда аҳолининг 97,3 фоизи ичимлик суви билан таъминланган.

Лекин ҳали бу борада амалга оширилаётган ишларни Президент Фармони талаблари даражасида, деб бўлмайди. Баҳористон туманида хонадонларни газлаштириш даражаси 22,8 фоизни ташкил этади. 35-, «Олтин бошоқ» жамоа хўжаликларидаги хонадонлар газлаштирилмаган. «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводи аҳоли пунктларида атиги етти хонадон газлаштирилган, холос.

Нишон туманида аҳолининг табиий газдан фойдаланувчи қисми 47 фоиз бўлсада, «Навбаҳор», «Ҳамза», «Гулистон» жамоа ширкат хўжаликларидаги қишлоқлар умуман газлаштирилмаган. Ўтган йили Абдулла Қодирий, У. Юсупов номли, «Туркманистон», «Чароғил» жамоа ширкатларида газлаштириш ишлари олиб борилмади.

Баҳористон туманида аҳолининг тўртдан бир қисмига яқини ичимлик сувини ташиб келтиради ёки тасодифий сув манбаларидан фойдаланади. 29-жамоа ширкат хўжалиги ҳудудидаги Қурама, Найистон қишлоқларида ичимлик суви қувурлари ўтказишга вақтида ҳафсала кўрсатишмаган. Чандир қишлоғи аҳолисининг фақат 12 фоизи ичимлик суви таъминотига эга.

Вилоятнинг бир неча туманларидаги аҳолининг асосий ичимлик суви манбаи бўлган Таллимаржон сув омбори қошидаги сувни тозалаб берувчи иншоот ҳали қуриб битказилмаган. Натижада истеъмол қилинаётган сув талабга жавоб бермайди.

Ёки айтайлик, ичимлик суви тақсимотида исрофгарчиликка, санитарияга зид ҳолатларга йўл қўйилмоқда. Биров ичимлик сувидан экинини ҳам суғорса, биров унинг бир қатрасига зор. Ижроия бюро мажлисида бу борада аниқ тавсиялар берилди. Республика Президентининг мазкур Фармонини бажаришда бошқа туманларда ҳам камчиликлар мавжудлигини эътиборга олиб, бу соҳадаги ишлар бутун вилоят бўйича тўла таҳлил этилиб, вилоят ҳокимлигига ахборот тарзида киритиладиган бўлди.

Бюро мажлисида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг «Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг «Соғлом авлод учун» ва «Маҳалла» жамғармаларини сиёсий қўллаб-қувватлаш бўйича вазифалари тўғрисида»ги қарори кўриб чиқилди. Ушбу жамғармаларни нафақат сиёсий, балки моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлашга жазм этилди. Ҳар иккала жамғармага вилоят партия кенгаши ҳисобидан бир миллион сўмдан маблағ ўтказишга қарор қилинди.

Довуд МАДИЕВ.

МЕН ПАРТИЯГА ИШОНАМАН ВА СУЯНАМАН

дейди Булунғур тумани ҳокими Ўткир НУРУЛЛАЕВ.

Дарҳақиқат, бу учрашув кўпчиликнинг оғзига тушди. Туман ҳокими ХДП фаоллари билан очиқ давра суҳбати ўтказди. Тўпланганларнинг деярли барчаси ўз мулоҳазаларини баён этди.

Дастлаб ХДП туман кенгаши биринчи котиби Мамаражаб Солмонов туман партия кенгаши фаолияти ҳақида қисқача ахборот берди. Кейин савол-жавоб, баҳс бўлди. Саволлар ҳам диққат тортар. Умуман, ҳар қандай жамиятда партияларнинг ўрни қандай бўлиши керак? Партия ва қонунчилик. Туман ҳокимлиги билан партия кенгаши ўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши керак? ХДП ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигичи?..

Тўпланганлар фақат фикрларинигина айтиб қолмасдан ўзлари учун жуда кўп маълумот олдилар. Очиғи, бу ҳақда кўпинча бирорта раҳбаргина минбардан туриб айтиб ўтади, холос.

— Раҳбар бирорта сиёсий кучга таянади. Мен ўзим учун Халқ демократик партиясини ана шундай куч деб биламан,— деди Ў. Нуруллаев. — Унинг мақсади, бугунги сиёсати маъқул. ХДПда муайян тажриба ва аниқ йўналиш бор. Кадрларни танлашда, агар у ХДП аъзоси бўлса, туман партия кенгаши ёки ўша ҳар ҳисобда турган бошланғич ташкилот фикри билан ҳисоблашаман. Бундан ташқари, партия фаолларини бугунги сиёсатимизни халққа кенг тушунтиришда тарғибот ишларига жалб этяпман.

Дарвоқе, ҳоким ҳам даврадан қуруқ кетмади. Партия фаоллари туманда тўпланиб қолган қусурлар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида аниқ, фойдали фикрлар билдиришди.

Вилоят партия кенгаши биринчи котиби Йўлдош Суюнов давра қатнашчиларига жойларда амалга оширилаётган янги тадбирлар, юзага келаётган тажрибалар ҳақида гапирди. Партия фаоллари олдига иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштиришни қонунлар жиҳатдан таъминлаш, Олий Мажлисга ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик кўриш юзасидан вазифалар қўйди.

— Қувончлиси шундаки, Пайариқ, Челак туманлари ва Каттақўрғон шаҳар ҳокимлари ҳам партия фаоллари билан ана шундай учрашувлар ўтказишни режалаштирган,— деди пировардида саркотиб.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ МУСУЛМОНЛАРИГА ИЙДИ ҚУРБОН МУНОСАБАТИ БИЛАН

ТАБРИКНОМА

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Мовароуннаҳр мусулмонлари бу йил ийди Қурбон ҳайитини учинчи маротаба давлатимизнинг мустақиллик соясида кутиб олмоқдалар. Мусулмонлар Аллоҳ таборака ва таолога миннатдорликларини изҳор этиб, доимий равишда ҳамду санолар айтадики, Ватанимиз мустақиллиги йилдан йилга мустаҳкамланиб, Ўзбекистонимиз халқаро миқёсда ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллаб, халқимизнинг турмуш тарзи ўсиб, фаровонлиги ривожланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарияти, шахсан юртбошимиз Ислом Каримов жаноблари мусулмонлар диний маросимларини камоли ҳуррият билан адо этишлари учун лозим бўлган шароитларни яратиб бермоқда. Ийд кунининг расмий дам олиш куни деб эълон қилиниши бунинг ёрқин далилидир.

Диёримиз мусулмонлари ўз фаолиятларини Қуръони карим ва Суннати набавия асосида олиб бориб, миллий қадриятларини ва аждодларининг яхши удумларини қайтадан тиклаш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси диёримиз барча мўмин-мусулмонларини, масжидлар имом-хатиблари ва ходимларини муборак ийди Қурбон байрами билан самимий табриклайди. Аллоҳ таборака ва таоло ушбу айёмимизни муборак этиб, ҳар йили бу байрамни фаровонликда, осойишталикда кутиб олишликни муяссар айласин.

Омин, ё раббал оламийн.

Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси раҳбарияти.

БМТ БОШ КОТИБИ ЎРИНБОСАРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

18 май куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг наркотик моддалар тарқалиши устидан назорат ўрнатиш бўйича халқаро дастури ижроча директори Жоржио Жакомелли мамлакатимизга келди. У бир неча кун давомида республикамизнинг айрим вазирликларида бўлиб, мутахассислар ҳамда ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан учрашади, мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши олиб борилаётган кураш чоралари билан танишади.

(ЎзА).

• ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН КУНЛАРИ ОЛДИДАН

ТОШКЕНТ-1994
ДЎСТЛИГИМИЗ БАЙРАМИ

Келгуси ҳафтанинг душанба куни мамлакатимиз пойтахти Тошкент яна дўстлик байрамининг ўчоғига айланади. Қардош ва жондош қозоқ элининг вакиллари Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунларини ўтказиш учун ташриф буюрадилар. Шу муносабат билан бу чинакам қардошлик байрамига пойтахтимизда ва вилоятларимизда муносиб тайёргарлик юмушлари адо этилмоқда. Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси **Н. И. ИСКАЛИЕВ** билан суҳбатимиз шу ҳақда борди.

— Ҳурматли элчи жаноблари, Нажемеден Ихсанович, бизнинг диёримизда Қозоғистон кунларининг ўтказилиши сизнингча қай бир фазилати билан мазмунлидир.

— Аввало бу тадбир ўзига хос байрамга айланади. Уни ўз моҳияти билан қардошлигимизнинг чинакам тантанаси дейиш мумкин. Бу ерда бир нарсани зўр ғурур ва ифтихор билан айтиб ўтиш керакки икки халқ, икки мамлакат ўзининг тўлиқ мустақиллигини ўз қўлига олгандан кейин рамзий қучоқлар очиб кенг даврада учрашмоқда. Қозоқ ва ўзбек халқлари вакилларининг бу дийдор кўришувида узоқ чамбарчас тарихимизга назар ташланади, бугунги мустақиллигимизни янада мустаҳкам бўлишида икки қондош халқнинг асл оғаинидек бўлиб ҳамкорлик қилиши ҳақида гап боради.

Тантаналарга Қозоғистон Республикасининг Президенти Н. Назарбоев бошлиқ расмий делегация бундан ташқари жуда кўп олимлар, маданият ва санъат намояндалари ҳамда мутахассислардан иборат 600 га яқин киши келиши белгиланган.

Қозоқ ва ўзбек халқлари қадим-қадим замонлардан буён чегарасиз бир адирда, бир яйловда от суришиб, тўй-тўйлашиб келган. Тилимиз, динимиз, дунёқарашимиз ва урф-одатларимиз бир бирига пайванд сингиб кетганки, уни таърифлаш қийин. Ҳозирги мустақиллик замонида Президентларимиз Н. Назарбоев ва И. Каримов тез-тез учрашмоқдалар, муҳим масалаларни бир оға-инидек аҳиллик билан ҳал қилмоқдалар. Ана шу учрашувларнинг ўзи икки мамлакат ўртасида катта дўстлик кўприги борлигидан ва бу иншоот ҳозирда кучга тўлиб бораётганлигидан ва халқларимиз ана шу кўприкнинг ҳақиқий ворислари эканлигидан далолат беради.

— Қозоғистон Республикаси кунлари тадбирлари ҳақида гапириб берсангиз?

— Элимиз мамлакатим вакиллари Тошкент аэропортида катта ҳурмат ва эътибор билан кутиб олинади. Ўша куни «Туркистон» саройида кунларнинг тантанали очилиш маросими бўлади.

Сешанба куни эрталаб Тошкентнинг Фрунзе кўчасида ўзбек карнай-сурнай садолари қозоқ дўмбирасининг оҳанглари билан уйғунлашиб кетади. Бу ерда Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси биноси расмий тантанали очилади. Давлатимиз байроғи кўтарилади. Бу қароргоҳда қозоқ миллий маданиятимиз, урф-одатларимиз билан танишиш мумкин. Элчихона маъно-мазмуни билан қозоқ элининг рамзий хонадонидир.

— Элчи сифатида фаолият бошлаганингизга унга кўп бўлгани йўқ. Бизнинг диёримизда қай бир жиҳатлар сизда қизиқиш уйғотмоқда?

— Ўзбекистоннинг ҳар бир куни қизғин. Воқеалар ва янгиликлар жуда кўп. Ҳаёт осуда ва илдам бормоқда. Сизнинг «Ўзбекистон овози» газетангизда ўтган ҳафтада тарихчи олим Ҳ. Зиёевнинг иқтисодий ҳамкорлигимизга доир ажойиб мақоласини ўқиб қолдим. Унда диққатга сазовор далиллар келтирилган. Бизнинг ҳозирги иқтисодий алоқаларимиз бундан ҳам кенг қамровли бўлмоғи керак. Ҳамма ҳаракатимиз ана шу мақсадга қаратилган.

Газетангиз Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг нашри экан. Умуман партиянгиз фаолиятини қизиқиш билан кузатиб боряпман. ХДП аъзолари жойларда мустақилликнинг мустаҳкамланиши учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бундай партия ўзининг жанговар сафлари билан мустақил давлатнинг ва ҳукуматнинг ҳақиқий кўмакчиларидир. Диёрингизда барқарорлик, осойишталик, аҳиллик ҳукмрон экан, бу ўз навбатида бошқа мамлакатларни Ўзбекистон билан фойдали ҳамкорлик қилишга чорлайди.

— Икки мамлакат ўртасида иқтисодий алоқалар, сизнингча, қайси соҳаларни кенгроқ қамраб олган?

— Қозоғистон Ўзбекистонга металл, кўмир, дон, гўшт маҳсулотлари етказиб беришга қодир. Лекин бунинг учун қўшма корхоналар ҳам жуда керак. Ўзбекистон эса бизга газ, электр қуввати, пахта, турли машиналар, химия саноати маҳсулотлари етказиб бермоқда. Бундан ташқари, бир қатор вилоятларимиз ўзаро яқин дўстлик ва ҳамкорлик ишларини олиб боришмоқда.

Бу дийдор кўришув маросимларида энг муҳим бир жиҳат ҳам бор. У Абай ва Навоий, Мухтор Авезов ва Ойбек, Собит Муқонов ва Ғафур Ғулом, Динмуҳаммад Қўноев ва Шароф Рашидов сингари улуғ зотларимизнинг руҳи поклари олдида авлодлик бурчимизни адо этмоқдамиз ва уларнинг мангу хотирасини шод этяпмиз.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

ТЎЙ БОШЛАНДИ, БОВУРЛАРИМ!

Қозоқ адабиётига йигирманчи йилларда кириб келган Абдулла оға Тожибоев ўзининг поэтик, драматик асарлари билан кенг китобхонлар оммасини алоҳида хушнуд этган улкан сўз заргарларидан биридир. У ўз асарларида қозоқ халқи ҳаётини, унинг ўтмиши ва бугунини кенг акс эттирган ажойиб шоир, моҳир драматург, уста таржимон ва улкан адабиётшунос олимдир.

Шоир ўзининг поэтик дурдоналарида адолатни, одамийликни, ҳаққонийликни алоҳида улуғлаб, буюк меҳнат билан соф виждонийликни ҳамма нарсадан юқори қўяди. Масалан, у ўзининг «Чин юракдан» номли шеърида

Мен эмас ёлғон сўзлаб,
онт ичувчи,
Арзон шуҳрат, арзон
донгга тез учувчи,

деса, «Она тилим» шеърида эса она тилининг аҳамиятини кенг мадҳ этиб, бусиз инсон, инсон эмаслигини ҳаққоний акс эттиради.

Она тилим — тириклигим
жарчиси,
Тилим — юрак сирларим
хабарчиси.
Тилим ўсса мен ҳам бирга
ўсаман.
Тилим ўчса, мен ҳам бирга
ўчаман.

деб ,она тилининг ўрнини, моҳиятини жуда ўринли, шу билан бирга тўғри акс эттиради.

Абдулла оға Тожибоев забардаст шоир бўлиш билан бирга, улкан драматург ҳамдир. Чунки қозоқ драматургиясининг туғилиши, шаклланиши, ўсиш, ривожланиш йўлларини унинг драматик асарларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. У яратган «Оқ қайин», (Мухтор Авезов билан биргаликда), «Майра», «Ёлғиз дарахат ўрмон эмас», «Яшна, гулла», «Халқим ҳақида афсона» ва бошқа драматик асарлари қозоқ саҳна асарлари тараққиёти тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, Абдулла оғанинг қозоқ халқи эртак ва афсоналари асосида яратилган «Халқим ҳақида афсона» драматик асари билан «Жўмортнинг гилами», «Кўнгилдошлар», «Тўй арафасида» каби пьесалари диққатга сазовордир. Уларда қозоқ ўғил ва қизларининг мукаммал образлари, уларнинг орзу-умидлари, меҳнат матонатлари билан Ватанга муҳаббати ўз аксини топган. Унинг сўнгги йилларда яратган «Қиз билан солдат», «Монологлар», «Портретлар» пьесаларида эса ўзбек, қозоқ халқларининг азалий дўстлиги, қон-қардош, биродарлиги ўз ифодасини топган.

Абдулла оға етук адабиётшунос олим сифатида ҳам таниш. Унинг «Ҳаёт ва поэзия» номли адабиётшунослик оид монографиясида қозоқ шоирларининг поэтик асарлари таҳлил этилган бўлиб, унда ҳар бир шоирнинг қозоқ поэзиясига қўшган улуши, қозоқ адабиётида олган ўрни аниқ белгиланиб, тўғри талқин этилган. Ижодкор 1970 йили «Қозоқ драматургиясининг шаклланиши ва ривожланиши» мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Оғанинг бу илмий изланиши улкан адабиётшунос олимлар томонидан юқори баҳоланиб, у қозоқ драматургиясининг ўсиш йўлларини, ривожланиш эволюциясини тўла-тўкис ўрганган, тўғри хулосалар чиқарган монументал иш деб, тилга олинди.

• ТУТАШ ТОМИРЛАР

Ҳақиқатан ҳам у қозоқ адабиётида поэзия, драматургия жанрларида унумли қалам тебратиб, бу адабиётнинг буюк намояндалари бўлмиш — Сакен Сейфуллин, Бейимбет Майлин, Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Ғабит Мусрепов изидан бориб, қозоқ адабиётининг тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келаётган қалам соҳибларидан. У қардош халқ ижодкорлари билан, шу жумладан ўзбек ёзувчилари билан ҳам яқин алоқа боғлаб, Ойбек, Ғафур Ғуломни ўзига устоз билди. Ажойиб шоир Миртемир билан яқин сирдош бўлиб, Носир Фозиловни «ўзимизнинг сори бола» деди. Мақсуд Шайҳзода, Туроб Тўла, Шуҳрат, Шукрулло, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсинларни тилга олиб, Одил Ёқубов ижодига қизиқиб қаради. Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий асарларини қозоқ тилига таржима этиш билан бирга унинг қозоқ оқинларига самарали таъсирини ўз тадқиқотларида кенг ёритди. «Шарқ, Осиё халқларига таллуқли баъзи асарларда Жанубий Қозоғистон оқинлари ўз ижодларида унумли фойдаланган. «Минг бир кеча», «Тўтинома», «Қирқ вазир», «Калила ва Димна» каби асарлар шеър билан айтиладиган новелла, достон, ҳикояларга айланган. «Фарҳод ва Ширин», «Ширин қиз» бўлиб қуйланса, насрда ёзилган «Ўрқа-Кулча» муҳаббат поэмаси бўлиб, янгидан яратилган, қозоқча айтилган», дейди у.

Абдулла оға Тожибоевнинг халқлар дўстлиги ҳақида, адабиётлар алоқаси тўғрисида айтган фикр-мулоҳазаларини, илмий кузатишларини, шунингдек, қардош халқлар ҳаёти ҳақида ёзган асарларини кўплаб келтириш мумкин.

Абдулла оға 85 ёшга тўлди. Катта тўй-да энди. Ўзлари бўлсалар ўйланиб қоладилар, кимларни айтсам экан-а деб. Чунки унинг дўст-ёронлари, қон-қардошлари эшитса бўлди, келишади.. Сиз ҳам эшитдингизми? Тўй бошланди, келаверинг! бовурларим!

Қалдибек СЕЙДАНОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

ЭМАН

Қийнаманглар кўп бўшга,
Етар қайғум бир бошга.
Тиниқарди лойқа сув,
Келиб, мен-ла сирлашса.
Юрагимда ётар қор,
Бу дилимни ким уқар!
Яралмадим темирдан —
Уту сувда тиниқар.
Яралмадим тошдан-да,
Яйрайман сўз тошганда.
Янроқ ёйган эмандай,
Кўнгил ёздим осмонга.
Яралмадим эмандан,
Яралганман ўландан.
Эман каби ногаҳон,
Яшин тушиб ўлармани!..

Улуғбек ЭСДАВЛЕТОВ,
«Жас қазақ» газетининг бош муҳаррири.

• *Анъана давом этади*

НАМАНГАН МАШРАБХОНЛАРНИ КУТМОҚДА

Мана, 34 йилдирки, наманганликлар ўз анъаналарига содиқ. Гулчиликка бор меҳр-муҳаббатларини жо қилишган. Энди гул байрами оташнафас, нсёнкор шоир Бобораҳим Машрабнинг таваллуд кунларига бағишланадиган бўлди. Наманганликлар анъанавий машрабхонлик айёмига қўшни вилоятлар ва мамлакатлардан меҳмонларни кутмоқда.

Машрабхонлик ва гул байрами май ойининг учинчи шанба ва якшанба куни ўтади. Унинг кенг қамровли дастури йилдан-йилга бойиб бормоқда. Жумладан, ўша куни эрталаб Бобораҳим Машрабнинг устози, Мулла Бозор Охунд зиёратгоҳининг очилиш маросими бўлади. Наманган шаҳрининг Курашхона даҳаси айнан улуғ пирнинг яшаб ўтган жойида қад ростлаётган бу обида фақатгина хайрия йўли билан қурилди. Саховатпеша одамлар, меҳнат жамоаларидан йиғилган 1,5 миллиард сўм маблағ қурилишга сарфланди.

Машраб авлодлари ўша куни унинг номи билан аталувчи қарийб 50 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган миллий маданият ва истироҳат боғига ташриф буюрадилар. Бу ерда шоирнинг мисдан ишланган янги ҳайкали очилади. Шу жойда элга ош берилади. Камхарж оилаларнинг фарзандлари учун никоҳ тўйлари, ота-онаси қаровсиз қолган ёки кам таъминланган одамларнинг жажжиларига хатна тўйи ўтказилади. Шеърхонлик, санъаткорларнинг чиқиши бирбирига уланиб кетади.

Куннинг иккинчи ярми ҳамда якшанба куни вилоят марказидаги Бобур номли миллий боғ меҳмонларни қабул қилади. Бу ерда меҳнат жамоалари ва алоҳида гулчиларнинг маҳсулотлари намойиш этилади. Дорбозлик ва бошқа миллий спорт беллашувлари ўтказилади. Гул ва дил тароналари янграйди. Умуман, бу йил Наманган ўзининг асл айёмига катта тайёргарлик кўрмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қанчалар оғир бўлмасин одамлар ҳамда меҳнат жамоалари яхши ташаббус бошлашди. Яқинда меҳр-мурувват ва хайр-саховат шанбалиги ўтказилди.

Раҳимжон ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатида ишлаб чиқаришни компьютерлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда корхона ҳақидаги барча маълумот ЭҲМ хотираларидан жой олган. Корхона раҳбарияти ва мутахассислари бирон маълумотни билиш учун эндиликда ҳамкасбларига мурожаат қилиб ўтирмай, ўз шахсий компьютерлари орқали керакли маълумотни билиб олмоқдалар. Бу эса бошқарув аппаратини маълум даражада қисқартиришга ва ишни енгиллаштиришга ёрдам берди. Бундан ташқари ЭҲМга жаҳон нархлари ва маҳсулот турлари ҳақидаги маълумотлар ҳам киритилган.

Суратда: ЭҲМ оператори А. Ҳайруллина.

Р. Нуриддинов (ЎзА) олган сурат.

• *Мактуб—дил изҳори*

КЎЗГУДАН ТАРАЛГАН ЗИЁ

«Ҳурматли телетомошабинлар! Ушбу кўрсатувимиз ҳақида фикр-мулоҳазаларингизни бизга ёзиб юборинг»—Ойнаи жаҳон кўзгусида сухандоннинг бу даъвати томошабин қўлига қалам тутқазади. Нима ҳақда ёзади, дейсизми? Телетомошабин икки ҳолатда мактуб битишга жазм қилади: ё кўрсатув маъқул бўлса, ё кўнглига унча ўтиришмаса.

Шу маънода, Ўзбекистон ойнаи жаҳон ижодкорлари томонидан тайёрланиб, эфирга узатилаётган кўрсатувларга телетомошабинлар томонидан келаётган мактубларда маърифат масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани қувонарлидир.

«Биз, деб ёзибди, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидан меҳнат фахрийси Муҳаммади Жўраев, «Одобнома» кўрсатувини узлуксиз кўриб борамиз. Ундаги саҳнавий талқин бизга жудаям маъқул. Қуруқ гапдан кўра кўрсатиб тарбиялаш минг марта яхшидир. Қаранг, бир тўғри теракни ўстириш онахонга қанча обрў, бойлик олиб келгани, уни ва ўзини сийму зарга ўраганлигини кўриб, қувонасан, киши. Бу-ку бир терак экан, ҳа, тўғри ўсган инсон боласи туфайли бир юрт, бир халқ жаҳонга танилади. Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Исмоил Бухорий, Ҳаким Термизий, соҳибқирон Амир Темур ва ўнлаб, юзлаб зот-у каримлар шундайлардан эмасми?» «Одобнома» кўрсатувининг ҳар бир сонини бир неча марта такрор беришларини ўнлаб мактуб соҳиблари сўрашган...

«Президентимизнинг бешта асосий тамойили, бугунги кунимизнинг асосий дастуридир,— деб хат йўллабди Тожикистон Республикаси Хўжанд тумани, Мурик қишлоғидан Н. Абдуҳамидов, С. Бобожонов, А. Қаҳҳоров, (жами ўн киши) ва бошқалар... «Таълим ва ислоҳот», «Бизнес мактаби», «Фан ва ишлаб чиқариш» каби кўрсатувларнинг жойлардан тайёрлангани маъқул. Айниқса, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Термиз Давлат университетидан тайёрланган кўрсатувларни мароқли фильмни кўргандай қизиқиб томоша қилдик.

«Ватанни севмоқ иймондандир» кўрсатувига ҳам кўплаб хатлар келган. Мактубларда таъкидланишича, Ўзбекистон «Ойнаи жаҳони»да бадиий-публицистик кўрсатувлар кам дейилган. Аммо, «Ватанни севмоқ иймондандир», «Саодат» студияси кўрсатувлари шу кун талабига жавоб беради.

Ушбу мазмундаги хатларни қашқадарёлик бир гуруҳ мактаб ўқувчилари Р. Норқулов, У. Алимов, Р. Қурбонмуродовлар, сирдарёлик Р. Раҳимов, самарқандлик Т. Тожиев, Андижондан Ҳ. Соибжонов ва бошқалар ёзишган.

«Сирли сандиқ» телеўйини турли ёшдаги, турли касб ва соҳа вакилларига, хуллас, кенг жамоатчилик оммасига мўлжалланган. Яъни, лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси ҳамда эски алифбомиз бўйича саводхонликни чиқазишга бағишлангани яхши деб ёзишибди кўплаб хат йўллаган телетомошабинлар. Ушбу кўрсатувни ҳам бир неча бор такрорий бериб борилишини илтимос қилишган.

Ойнаи жаҳоннинг «Сиҳат-саломатлик» кўрсатувига кўплаб мактублар келган. Уларда турли-туман хасталикларни даволашда маслаҳатлар сўралган. Шунингдек, «Сиҳат-саломатлик»нинг «Она сутининг аҳамияти», «Қариндошга қиз берманг» кўрсатувлари жуда ҳам вақтида тайёрланганлигини таъкидлаб қаламга олишган.

Ҳар оқшом диёримиз хонадонларида телевизор кўзгусидан нур таралади. Мазмунли меҳнатдан келган ҳамюртларимиз ана шу нур ҳар бир қалбга зиё беришини истайдилар. Негаки, айрим мамлакатларда бўлгани каби эфир вақтини олди-қочди, ур калтак-сур калтак томошаларга сарфлагандан кўра кўнгилларга маърифат ва эзгулик бағишловчи кўрсатувлар кўриб завқланганга нима етсин.

Камола ТОЖИЕВА.

ОЙНОМА ИЖОДКОРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Денов шаҳрида туман ҳокимлиги ташаббуси билан «Сирли олам» журнали ва унинг иловаси бўлган «Қалб кўзи» газетаси кунлари ўтказилди. Муштарийлар ва журнал ижодкорларининг юзма-юз мулоқоти қизиқарли савол-жавоблар, дилбар шеърлар, жозибали қўшиқларга бой бўлди.

Шаҳар истироҳат боғида мактаб ўқувчиларининг анъанавий ўн иккинчи «Гуллар ва қушлар» байрамига тумандаги 60 дан ортиқ мактабнинг ўқувчилари чиройли қушлар, гуллар, шу мавзудаги деворий газета ва альбомларни республикамизнинг турли вилоятидан келган меҳмонларга намойиш қилдилар. Сўзга чиққан «Сирли олам» журналининг муҳаррири Ҳ. Шайхов шундай деди:

— Улуғ бобомиз Амир Темур замонида «Гули сурх» деган қадимий байрам ўтказилган экан. Деновлик ўқувчиларнинг амалга ошираётган ишлари азалий удумларнинг давом эттирилиши деб тушунамиз. Ука-сингилларимиз тенгдошларини авайлашга чақирилаётган ана шу «қушлар ва гуллар» олами чинакам «сирли олам»дир аслида.

А. ОДИНАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

янгиликлар воқеалар хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ОҚ УЙ БАЁНОТИ

● ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари маъмурияти Ганти ноқонуний Президенти Эмиль Жонассаннинг Бош вазир лавозимини зиммасига олиш тўғрисидаги қарорини кескин қоралади.

Вашингтон Гаитидаги ҳарбий тузум томонидан қувғинди қилинган Жан-Бертран Аристидни ягона қонуний Президент, Робер Мальвални эса ягона қонуний Бош вазир деб ҳисоблайди, дейилади Оқ уй тарқатган баёнотда.

ТЕРРОР ХАВФИ ОРТМОҚДА

● НЬЮ-ЙОРК. Америка Қўшма Штатларида террор хавфи кун сайин ортиб бормоқда ва бу хавф-хатар биринчи навбатда «рус мафияси» билан боғлиқ деб ҳисоблайди жиноий қидирув федерал бюроси директори Луис Фри.

Луис Фри «Ньюсдей» газетаси мухбири билан суҳбатда ўзининг мазкур фикрига аниқлик киритиш учун ҳозирги кунда Россия ҳудудида 100 мингдан ортиқ жиноятчини ўзида жамлаган 4 мингта босқинчилик гуруҳи мавжудлигини айтади. Унинг таъкидлашича, бу гуруҳлар Америка ҳудудида ҳам аста-секин жиноий фаолиятни кучайтирмоқда.

ЛОНДОНДА МИРШАБЛАР ҚУРОЛ ТАҚИБ ЮРАДИМИ?

● ЛОНДОН. Махсус таълим босқичини тугатган миршаблар энди шаҳар кўчаларида очиқчасига қурол тақиб юришлари мумкин.

Жиноятчиларнинг шафқатсиз ҳужумлари туфайли биргина ўтган йилнинг ўзида мамлакатда 20 минг нафар полициячи ҳалок бўлди. Бу эса тартиб посбонлари қуролсиз бўлса, тартиббузарлар ҳам қўполлик қилмайди, деган мазмундаги ақиданинг аллақачон эскирганини кўрсатади.

ТОКИОНИНГ НИЯТИ

● ТОКИО. РАТА-ТАСС мухбирининг хабарига қараганда, Япония Бош вазири Цутому Хата Токионинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафига қўшилиш ниятида эканлигини айтган.

Маълумки, Япония Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Америка Қўшма Штатларидан кейинги иккинчи ҳомийси ҳисобланади ва унинг Хавфсизлик кенгашига доимий аъзо бўлиши жаҳоннинг кўпчилик мамлакатлари томонидан қўллаб-қувватланиши шубҳасиз.

БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАСИ ТАСДИҚЛАНДИ

● ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари конгресси 1995 молиявий йил учун федераль бюджет лойиҳасини тасдиқлади. Унда ҳарбий харажатларни янада камайтириш кўзда тутилган.

Конгресс ҳарбий мақсадлар учун 270,7 миллиард доллар, яъни мўлжалдагидан анча кам маблағ ажратишга қарор қилди. Айни пайтда янги молиявий йилда таълим ва касб тайёргарлиги учун кўпроқ сармоя ажратилади.

УЧРАШУВДА АЙТИЛГАН ФИКР

● ПАРИЖ. Франция Президенти Франсуа Миттеран Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Ғолий билан Руандадаги вазиятни муҳокама қилди.

Франция бу мамлакатда юз бераётган қонли тўқнашувларга барҳам бериш учун БМТ Хавфсизлик кенгашининг ҳар қандай илтимосини қондиради, деди Франсуа Миттеран учрашув чоғида.

ФОРС КЎРФАЗИДАГИ АҲВОЛ

● ҚОҲИРА. Америка Қўшма Штатларининг фикрича, Ироқ билан Эрон Форс кўрфази минтақасига ҳали ҳам хавф солиб турибди.

АҚШ Давлат котибининг Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатлари бўйича ёрдамчиси Роберт Пеллетро Қувайтда шу ҳақда баёнот берди.

ХИТОЙ МУЗОКАРАЛАР ТАРАФДОРИ

● ПЕКИН. Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнь Ямандаги можаро иштирокчиларини ўт очишни тўхтатишга чақирди.

«Хитой мазкур мамлакатда аҳволнинг оғирлашаётганидан жиддий ташвишга тушмоқда ва низолар туфайли тинч аҳоли қурбон бўлаётганидан таассуф билдиради», деди вазир форс кўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлиги кенгашининг Бош котиби Фаҳм Бин Султон Ал Қосимий билан суҳбатда.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

янгиликлар воқеалар хабарлар

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 23. V

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Математика фанидан сиртқи олимпиада. 18.40 «Тошкентга марҳамат!». Телефильм. 18.55 «Дўстлик тароналари». Қодир Жўрақулов куйлайди. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.55 Эълонлар. 20.00 «Қўқонди Латиф ёдгорликлари». Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Одобнома». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 Эълонлар. 21.35 «Ўзбекистон ва жаҳон». 22.05 **«Дўст билан обод уйинг». Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунларининг очилиши.** 24.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 00.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.55 «Билиб қўйган яхши». 20.15 «Санъат ва табиат». 20.45 «Медаллар машаққати». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.00—18.35
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.35 Душанба куни детектив. «Спрут-5». Бадиий фильм. (Италия). 2-серия. 19.30 «Баҳор байрами». Телефильм. 19.55 «Спрут-5». Бадиий фильмнинг давоми. 21.00 «Асил ҳолича». 21.55 «Ўз-ўзига режиссёр». 22.30 «Ўргимчаклар». Телефильм. 22.55 «Тафсилотлар». 23.05 «Юлдузлар билан суҳбатда». 23.10 Спорт кўрсатуви. 23.20—23.30 Криминал хабарлар экрани.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 18.10 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал премьераси. 27-серия. 18.40 «Миниатюра». 18.55 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Монолог. 20.40 «Спорт уик-энди». 20.55 А. Миллер. «Гуноҳга ботиш». Н. Гоголь номидаги театр фильм-спектаклининг премьераси. 23.20—23.55 Янгиликлар.

Сешанба, 24. V

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Янгроқ қўшиқлар». Бадиий фильм. 10.00 «Замин қалбига қулоқ тут». Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. 11.00 «У «Гиря»ни севарди». Фильм-концерт. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Химия. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув. 18.55 «Чемпион билан учрашув». Олимпиада чемпиони Лина Черязова. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Тулпорлар». Видеофильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Ёшлар ижоди». Авазбек Олимов. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 Эълонлар. 21.35 Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунлари. «Айтишув». Ўзбек — қозоқ қизиқчилари ижросида кулги кечаси. 1-қисм. 22.45 «Тезюрар поезд». Бадиий фильм. 00.15 «Ўзбекистон» ахбороти. 00.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.55 Ретро услубида концерт. 20.55 «Нотаниш ва қизиқарли дунё». Телефильм.
«ОМАД» таништиради:
21.25 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
«ОМАД» таништиради:

9.00 «Рок ҳақида». 9.30 «Ҳар соҳадан бир шингил». 9.40 «Совга». 10.10 Эълонлар. 10.20 Видео—«О». 12.00 Эълонлар. 12.05 «Курьер». 12.20 «Ҳар соҳадан бир шингил». 12.40 Эълонлар. 12.45 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 13.15 «Даракчи». 13.25 Эълонлар. 13.35 Видео-«О».

18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Фильмлар премьераси. 20.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. премьераси. 321-серия. 21.00 «Ҳеч ким унутилмайди». 21.05 «Шаҳарча». 21.30 «Ўз ишининг устаси». И. Моисеев.
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.30 «Мен рақс тушаман». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 17.50 «Ихтилоф». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. 18.45 «Илк манбадан». 18.55 «Мавзу». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Бомонд». 20.45 Славян ёзуви ва маданияти куни. Москвадаги Славянск майдонидан кўрсатилади. 21.55 «Йўқотилганларни излаб...» 22.35 «Академия». Дам олиш кўрсатуви. 23.05 Янгиликлар. 23.40—23.50 «Матбуот-экспресс».

Чоршанба, 25. V

● ЎзТВ I

6.30—8.45 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.45 «Қиз-Жибек». Бадиий фильм. 1-серия. 9.55 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.25 «Маърифат маскани». 11.05 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.15 «Фан ва деҳқончилик». 11.45 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар-фахримиз». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Сўнгги қўнғироқ». 18.40 Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунлари. «Дўстлик сарҳад билмайди». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.55 Эълонлар. 20.00 Мусиқий дақиқалар. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Фаровонлик калити». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 Эълонлар. 21.35 Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунлари. «Айтишув». 2-қисм. 22.20 «Пойтахтимиз концерт заллари бўйлаб...» 23.20 Халқаро хотин-қизлар конференцияси олдидан. «Аёл борки, олам мунаввар». 00.20 «Ўзбекистон ахбороти. 00.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.55 «Адиба Шарипова чалади». Фильм-концерт. 20.20 «Бумеранг». Экология ҳақида. 21.05 «02» тўлқинида. 21.25 «Ҳаётга қайтиш». Бадиий фильм. 1-2-сериялар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 322-серия. 20.45 «Ҳеч ким унутилмайди». 20.55 «Сиёсат майдонида». 21.50 «Олдиндан ҳис этиш». 22.20 Катталар учун мультфильм.
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.30 «Джинджер ва Фред». Бадиий фильм (Франция—Италия).

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 17.55 «Ихтилоф». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия. 18.55 «Тусовка»-дан бўлмаган киши». Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Вагон 03». 20.40 «Барча даврлар байрами». Славян ёзуви ва маданияти кунига бағишланган концерт. Владимир шаҳридан кўрсатилади. 22.10 «Останкино» телеканалида биринчи марта. «Анастасия. Аннанинг сири». Бадиий фильм (АҚШ). 1-серия. 23.20—23.55 Янгиликлар.

Пайшанба, 26. V

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Қиз-Жибек». Бадиий фильм. 2-серия. 9.45 «Оламни асранг». 10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 10.25 «Холисхон Қодирова куйлайди». Фильм-концерт. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Эл тинчлиги йўлида». 18.40 Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунлари. «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.55 Эълонлар. 20.00 «Дўстлар куйлаганда». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Жаводбек Козимов ва Барно Носирова куйлайди. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 Эълонлар. 21.35 Бевосита мулоқот. 22.35 «Кино, кино, кино». 23.25 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Футбол бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионатининг саралаш учрашуви. Ўзбекистон—Туркманистон терма командалари. Танаффус пайтида — 18.45 Телефильм. 19.50 «Тошкент оқшомлари». 20.50 Телефильм.

21.00 «ОМАД» таништиради:

1. Эълонлар. 2. «Жозиба». 3. «Бир шингил ҳангома». 4. Эълонлар. 5. «Зиндаги» ёҳуд муҳаббат». 6. Видео янгиликлари. 7. Эълонлар. 8. «Кинонигоҳ».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 323-серия. 20.45 «Оддий иш». 21.05 «Ватаним менинг». 22.00 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.30 «Мутлақо маҳфий». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 17.55 «Ихтилоф». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9-серия. 18.55 «Кинопанорама». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Лешченкодан Лешченкогача». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Матбуот-экспресс». 22.10—00.05 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Дания — Швеция терма командалари. Даниядан олиб кўрсатилади.

Жума, 27. V

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Кўк серик». Бадиий фильм. 10.05 «Фан уфқлари». 10.35 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 10.45 Ўсмирлар учун. «Камалак». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ватанга муҳаббат болаликдан бошланади». 18.40 Ҳуқуқий жамият сари». 19.10 «Наққош». Телефильм. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.55 Эълонлар. 20.00 Мусиқий дақиқалар. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Халқаро шарҳловчилар даврасида. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 Эълонлар. 21.35 «Маърифат ва маънавият». 22.05 Мумтоз куй ва қўшиқлар. 22.45 Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунларининг ёпилиши. 00.45 «Ўзбекистон» ахбороти. 01.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.55 Телефильм. 20.20 «Зиё маскани». 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 Тиббиёт ҳақида фойдали маслаҳатлар. 22.10 «Гу-га». Бадиий фильм.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Киномарафон. «Эҳтиросларнинг империяси». «Босқичлар» туркумидан бадиий фильм (Япония—Франция). 21.35 «К-2» таништиради: «Абзац».
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.30 «Алвидо, ғўр ёшлигим». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 17.40 «Инсон ва қонун». 18.15 «Америка М. Таратута билан». 18.45 «Мўъжизалар майдони». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «А. Любимов нигоҳи билан». 21.20 «Детективлар клуби»да «Ден Огаст». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фильм. 22.20 «Ҳафтанинг машҳур кишиси». 22.40 «Авто-шоу». 23.00 Янгиликлар. 23.35—23.45 «Матбуот-экспресс».

Шанба, 28. V

● ЎзТВ I

6.30—8.45 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.45 «Соат 12 да бошлиқ келади». Бадиий фильм. 10.00 «Ёшлик» студияси. «Баҳс». 11.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ». 12.00 Теннис бўйича Ўзбекистон Президенти Кубоги учун халқаро турнир олдидан. 12.20 «Қирқ ҳунар ҳам оз». 12.40 «Қўшиқ рақсга уланса». Гўзал Мансурхўжаева ва Саодат Тўронова. 13.20 «Мустақиллик мафкураси». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсмирлар учун. «Умид» учқунлари». 18.30 Аждодлар мероси — хазина». Шайх Нажмиддин Кубро. 19.00 Теннис бўйича халқаро турнир. Мастерс. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.55 Эълонлар. 20.00 Мусиқий дақиқалар. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Мерос». Нодира таваллудининг 200 йиллигига. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 Эълонлар. 21.35 Футбол бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионатининг саралаш учрашуви. Ўзбекистон — Тожикистон терма командалари. 23.15 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.55 «Уолт Дисней таништиради...» Мультфильмлар тўплами. 20.45 «Энг Жанубий...» Телефильм. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 1-2-сериялар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
13.00—16.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

13.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 13.10 «Чинсен» (корейсча кўрсатув). 13.40 «Шарқнинг тиниқ бўёқлари». 14.10 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 14.25 «Безнен мирас» (татар тилида). 14.55 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 15.10 «Умид» (уйғур тилида). 15.45 «Бу ажиб дунё».

18.00—19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 Ингмар Бергманнинг «Оқ фотиҳа», телевизион фильми (Швеция телевидениеси). 20.55 «АББА» гуруҳининг концерти (Швеция телевидениеси). 21.50 «Аниматека». 22.20 Спорт кўрсатуви.
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.25 «Тапионхоним». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 «Рукн премьераси». 18.45 «Коламбия пиктчерс» таништиради: «Бошқа оламдан нимадир». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (АҚШ). 1-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Коламбия пиктчерс» таништиради: «Бошқа оламдан нимадир». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.20 Кинотавр фестивалининг очилиши. Сочи шаҳридан кўрсатилади. 22.10 «Матбуот-экспресс». 22.20—00.10 «Кимни севсам — ўшанга тақдим этаман». Л. Рубальскаянинг ижодий кечаси. Таннафус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

Якшанба, 29. V

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 68-69-серия. 10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Иқтисодий ислоҳот: изланиш ва натижалар». 11.30 Эркин Воҳидов. «Олтин девор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 13.15 «Биргаликда куйлаймиз». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Ҳурмат талаб алвоси» Мультфильм. 18.15 «Ёшлик» студияси. «Қарс икки қўлдан...» 18.45 Бир актёр театри. Саида Зунунова. «Ёлғизлик». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида). 20.00 Эълонлар. 20.05 «Қўшиқ ва кулги кечаси». Муҳриддин Ҳолиқов, Обид Асомов. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ҳафтанома». 21.30 Эълонлар. 21.35 «Ойнаи жаҳонда». 21.55 Теннис бўйича халқаро турнир. Мастерс. 22.35 «Кавказ асираси». Бадиий фильм. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
17.00 «Совга» 17.30 «Ҳар соҳадан бир шингил». 17.35 Эълонлар. 17.40 Видео—«О». 19.20 Эълонлар. 19.25 «Курьер». 19.40 «Эм-Ти-Ви»дан мусиқалар. 20.00 «Ҳар соҳадан бир шингил». 20.15 Эълонлар. 20.20 «Салом, ёшлар!» 20.50 «Даракчи». 21.00 «Юлдузлар жилоси». 21.30 Эълонлар. 21.40 Видео—«О».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
12.55—16.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

12.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 13.05 «Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда». Жанубий Қурия. 13.40 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 13.55 Жанубий Қурия санъат усталарининг концерти. 14.30 «Интермулоқот». Қизил Крест минтақа ваколатхонасининг Бухоро семинари. 15.00 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 15.15 Дилрабо қўшиқлар. 15.45 «Бу ажиб дунё».

18.00—19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 «Санкт-Петербург мусиқаси». Ольга Шалашова. 19.50 Киномарафон. «Мюриэль». «Номлар» туркумидан бадиий фильм. 22.00 «Ксюша ҳузурида».
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.30 «Офицерлар» Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Нима? Қаерда? Қачон?» 19.05 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Россия — Словакия терма командалари. «Лужники» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви. 21.45 «Таваккал қилиб, ғалаба қозонмоқ». 23.00—23.15 Янгиликлар.

● *Қутлаймиз!*

САЙҚАЛ

— Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, деган нақлда гап кўп экан,— дейди ҳамсуҳбатимиз Азиз ака. — Ёш ўтавергандан кейин буни чуқурроқ ҳис қиларкансан киши. Бундай дейишимнинг боиси бор. Ишга янги келганимда мени корхонага етаклаб келган кадрлар бўлими бошлиғи икки хил манзарани кўрсатди.

— Мана бу ерда ишласанг, ойлик кўп, иш ҳам. Лекин ҳунар ололмайсан. Яна иккинчи жойимиз бор: ҳунар оласан, саҳифаловчи бўласан. Шуни айтиб қўяй, иш ўргатувчи уста жуда ҳам қаттиққўл. Агар чўчимасанг ўша одамга йўлиқтираман.

— Майли ҳунар оламан, — дедим қатъий туриб.

— Отангга раҳмат,— юр бўлмаса деб мени етаклаб кетди.

Гаплашиб кетарканмиз, йўл-йўлакай мендан «Газета ўқийсанми?»— деб сўради. «Ҳа» деб жавоб бердим.

— Жуда яхши, ҳозир сени ўша газеталар саҳифаланадиган жойга олиб бораман. Ҳамроҳим қадамини тезлатиб юра кетди. Бир пайт катта хонага кирдик. Ҳамма дастгоҳнинг тепасида тик туриб, қўлида бигиз билан ишлаяпти. «Газета ҳам шунақа саҳифаланарканми?» деб қўйдим ичимда. Шу пайт тўрда, столда ўтирган кишининг олдига бордик.

— Мана, Бек ака, сизга шогирд олиб келдим.

— Бўйи жуда паст-ку, дастгоҳга етармикан,— деди у дабдурустдан.

— Етмаса оёғимнинг тагига яшик қўйиб оламан.— дедим мен ҳам бўш келмай.

— Ҳай-ҳай, шундайми,— у кўзойнаги тепасидан менга яна бир бор синчковлик билан қаради.— Майли, эртадан Исмат аканг билан ишлайсан.

У мени дастгоҳ тепасига олиб бориб иш билан таништирди. Қатор-қатор қўрғошин чизғичлар тўриб қўйилган. Ҳайрон қолдим.

— Ҳа, ўғлим, анқайма,— деди у.— Мана бу ҳарфларни кўряпсанми, шулар йиғилиб бир сатр бўлади. Сатрлар қаторлашиб охири газета бўлади. Ишимиз шунақа.

Шу-шу ишга киришиб кетдим. Мана ўша кунларга ҳам қирқ йил бўлибди. Устозлардан саҳифалаш сирларини сидқидилдан ўрганганим қўл келди. Шу касбни эгаллаб кам бўлмадим. Мен ҳам кўплаб шогирдлар етиштирдим.

Бу — бугун 60 ёшини ишонлаётган газетамиз саҳифаловчиси Азиз ака Обидовнинг дил сўзларидир. У 42 йўлдан буён ўз касбини эъзозлаб келмоқда.

Унинг қўлларидан сайқал топган саҳифаларни бир-бирига уласак ойга етиб қолар. Умрингиз ҳам шундай узун бўлсин, Азиз ака!

Юнус ЗИЕДОВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТАШКИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омбордан пул ўтказиш йўли билан сўм-купонларга қуйидаги ускуналарни

СОТАДИ:

1. Японияннинг «ТОШИБА» фирмасида ишлаб чиқарилган минутига 750 дан 3 мингтагача айланувчи, 2,2 КВТдан 55 КВТ гача қувватли 3 фазали асинхрон электродвигателлар.
2. ЭЦВ-6 маркали чуқурликда ёки сув остида ишлайдиган насослар.
3. 2К6-20/30 консол насослари.
4. ВР 8/2,2 компрессорлари.

СОТИБ ОЛАМИЗ:

Эмал симлар; ғалтакли мис; алюминий.
ТЕЛЕФОНЛАР: 45-75-67, 45-75-58.
ФАКС: 45-75-23.

ТАШКИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омбордан пул ўтказиш йўли билан сўм-купонларга қуйидаги ускуналарни

СОТАДИ:

1. Қатиқ, сузма, қуюқлаштирилган сут, томат пастаси, шунингдек қуюлтирилган сутларни ишлаб чиқариш бўйича ачитиш қурилмалари.
2. 40 т. с. кучланишли ОКС 1671 М гидропресслари.
3. А9-КЧЭ мева ажратиш машиналари.
4. Труба қайириш дастгоҳлари.

СОТИБ ОЛАМИЗ:

Электродлар; А-25, А-35, А-50 очиқ симлар, кабель маҳсулотлари.
ТЕЛЕФОНЛАР: 45-75-67, 45-75-58.
ФАКС: 45-75-23.

«ТОҲАРИСТОН-ЧОҒОНИЁН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТИЖОРАТ ФИРМАСИ

УСКУНАЛАР (музлатиш машиналари ва камералари, қайнатиш қозонлари, гўшт, балиқ ва сабзавот қиймаларини тайёрлаш учун қийма қориштиргичлар ва ванналар, қаҳва, дон, дориворлар янчиш ва майдалаш учун ярим автомат машиналар, электр сув иситгичлар, музқаймоқ тайёрлаш учун фрезерлар, колбаса ва дудлаш цехлари учун технологик ускуналар комплектлари, тикув, трикотаж, чарм-атторлик, пойабзал буюмларини безаклаш, метражли материалларни: гипюр, тикув ва каштачилик матолари тайёрлаш учун ярим автоматлар)ни етказиб бериш ва қуйидаги корхоналарни тегирмон ускуналари, кичик тегирмонлар, дон сақловчи омборлар ва қуритгичлар, нон заводлари, кичик сут заводлари, кичик новвойхоналар, чучвара, макаронлар, сут порошоклари, ярим қаттиқ пишлоқлар, казеин, болалар таомлари тайёрловчи линиялар, мевалар ва сабзавотлар консервалаш ва қуритиш, виноларни шишаларга қуйиш, ПВХ идишлари: цемент учун натранли қоплар, цементни қоғоз қопларга жойлаштириш, эски автомобил шиналари, ёғоч чиқиндисини қайта ишлаш, брикетлар тайёрлаш ускуналари, такомиллаштирилган ёғ ва қаймоқ ажратгич, кичик сариёғ цехлари, қушхона (кичик қушхона) гўшт комбинати, парранда гўшти ва тухум олишнинг яхлит цикли, ўсимлик мойи, шакар, конфет, пиво, спирт, ДСП плиталари, ғишт, аралаш озуқа, мих, ишлаб чиқариш бўйича заводлар, кўйлак ва майка, трикотаж матоси, пахта ипи, қадоқловчи ойна, мол терисини қайта ишлаш бўйича комбинатлар ва фабрикалар ҳамда микрогидроэлектростанция (кичик ГЭС) ва кислород ҳосил қилувчи станцияларни қуриб, тайёр ҳолда топшириши кафолатлайди.**

Валюта ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади.

Тошкентдаги алоқа телефони: (3712) 33-60-30, Факс: 44-29-97.

«МАДАНИЯТ»

ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САВДО-МАДАНИЙ МАРКАЗИ

Тошкентдаги омбордан:
Урал мотоцикллари,
олий навли Хитой кўк чойи,
чет эл ароқлари,
«Стиморол» сақичлари,
турли газламалар ва бошқа халқ истеъмоли моллларини

СОТАДИ

Мурожаат учун телефонлар: 45-57-68, 45-85-56, 45-49-52.
Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1.

Параболик антена
СОТИЛАДИ
Тел: 34-16-23.

Телевизорларни тузатамиз, декодерлар, масофадан бошқариш, ДМВ, НЦ кириш мосламаларини ўрнатамиз.
Тел: 74-15-14.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза Бош бюроси жамоаси Хоразм вилоят суд-тиббий экспертиза бюросининг суд-тиббий эксперти
Зарип Нуриллаевич НУРИЛЛАЕВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат университети филология факультети журналистика бўлими жамоаси Нафиса Турсуновага отаси, 1941—1945 йиллар уруш фаҳрийси
Тоштемир Турсунбоевич ТУРСУНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси жамоаси, республика радиосининг режиссёри Гулчеҳра Ғиёсовага отаси
Кўчқор ҚУДРАТОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 22.30.
Г — 939 тир. 85501.

Навбатчилар: Қ. ЭШМАТОВ, М. МИРФАЙЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.